

Буюк Горькийни кўриш ва сўзларини эшитиш шарафига эришганларданман. 1935 йилнинг март ойида эди шекилли (агар янглишмасам), СССР совет Ёзувчилари союзининг пленумида Горькийнинг сўнги сўзи бўлди. Ўзи қариган сари рухи ва инкилобий гайрати орта борган бу улуг чол, кучли олқишлар остида минбарга чиқди. Олқишлар ниҳоят тўхтади-да, секин ва паст овоз ҳамда Нижегород лаҳжасининг баъзи бир таъсирлари билан, сўзга бошлади. Овозида қариллик таъсирлари ўзини кўрсатарди, яъни орқа қаторлардан товушини эшитиш кийинрок эди. Бу кекса овоз билан айтилган сўзларда ажойиб бир ёш жонлилик бор эди. Бу жонлилик хатто жуда кичкина, оддий кўзга майда каби кўринатургон нарсаларда ҳам кўринарди. Чунончи, у инкилоб душманларининг кишлоклардаги бир игвосидан гапирди. Улар тракторга қарши ташвиқот қиларкан, трактор овозидан кўркиб баъзи бир қушларнинг қочиб кетганларини, холбуки, уларнинг кишлок хўжалигида зарарли ҳашорот билан қурашувчи фойдали қушлар бўлганини айтар эканлар. Улуг устоз, совет ёзувчиларини душманнинг қураш тактикасидаги шундай кичкина жихатларига ҳам кўз юммасликка қарарди. Бу, нотикнинг турмушни қандай яхши билганини кўрсатиб турар ва бизларни ҳам шунга ўргатиб турарди.

Мен Горькийнинг энг зўр ва тўнғич асарларидан «Она»ни таржима қилиш шарафига ҳам эришганларданман. Таржиманинг сифати тўғрисида бошқалар гапирар. Мен ўзим фақат шуни айтаман: наср тилини тарашлашни мен бошлаб Горькийдан ўргандим. У, менимча ўзи ишлатадиган тилни жуда яхши кўради, уни ҳар қандай қамчиликдан озода холда кўрмак истади. «Она»нинг тили мана шундай бир тил. «Она» мен учун қатта бир мактаб бўлди. Ўзимнинг «Кеча ва кундуз» номи романимда мен ҳам бу буюк услубчининг унумли таъсирини доим сезиб турдим.

Совет ёзувчилари унинг инкилобий руҳини, пролетарча мардлигини, жаҳоншумул граждандлигини, сўнгра классик тили ва услубини, хатто таржима орқали бўлса ҳам доим ўзларида сезажаклар.

Катта мактаб эгаси. — Макола «Кизил Ўзбекистон» газетасининг М. Горький вафотига бағишланган 1936 йил 20 июнь сонидан эълон қилинган.

Нижгород лахжаси — Горький тугилган Нижний Новгород худудида яшовчиларга хос шева хусусиятлари, айникса, «о» га ургу берилиши назарда тутилмоқда.

«Она»ни таржима килиш шарафига хам эришганларданман...» — Горькийнинг «Она» романи Чўлпон таржимасида 1936 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан нашр килинган.